



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**

профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**

**Ф.А.Сафаров**

**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**

**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**

**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**

**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

[samisiservis@mail.ru](mailto:samisiservis@mail.ru)

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

## МУНДАРИЖА

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
<b>Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов</b> Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
<b>Зариф Юсупович Аминов</b> Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
<b>Шокиржон Шарипжонович Банноев</b> Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
<b>Shahloxon Shavkatovna Sharifova</b> Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
<b>Акмал Алимжонович Салимов</b> Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
<b>Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova</b> Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Нозир Алиевич Ибрагимов</b> Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
<b>Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова</b> Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
<b>Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov</b> O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
<b>Зарина Ҳусановна Рафиева</b> Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Рўзибой Нормухоматов, Акрам Джуракулович Ғафуров</b> Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
<b>Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова</b> Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
<b>Раънохон Махмудовна Каримжанова</b> Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
<b>Музаффар Мусаевич Усмонов</b> К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

<p><b>З. Артиков, Д. Хахимов</b></p> <p><b>Блага, обеспечивающие благосостояние населения, уровень и качество жизни, их виды, классификация и методы оценки</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В данной статье приведены блага, обеспечивающие благополучие, уровень и качество жизни населения, их виды, методы классификации и оценки, проблемы в них, конкретные предложения и научные рекомендации, направленные на обеспечение благосостояния населения в полном смысле.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> благополучие, социальное самочувствие, благо, потребность, материальные блага, нематериальные блага, товары, услуги, производство, спрос населения, доходы населения.</p>	<p><b>Z. Artikov, D. Khakimov</b></p> <p><b>Wealth ensuring populations well-being, standard and quality of living, their types, classification and evaluation methods</b></p> <p><b>Abstract:</b> In this article, the wealth that ensure the well-being, level and quality of life of the population, their types, classification and evaluation methods, problems in them are given, specific proposals and scientific recommendations aimed at ensuring the well-being of the population in the full sense.</p> <p><b>Keywords:</b> well-being, social well-being, wealth, need, material goods, Intangible goods, goods, services, production, population demand, population income.</p>
---	---

**Зариф Юсупович Аминов** – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси  
доценти в.б, и.ф.н.

### ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

<p><b>Аннотация:</b> мақолада инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари, айниқса инсон тараққиёти концепцияси ҳамда инсон тараққиёти учун салбий бўлган оқибатлар тенденциялари ёритиб берилган.</p> <p><b>Калит сузлар:</b> Инсон хавфсизлиги, инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги, инсоннинг ижтимоий-маънавий хавфсизлиги, инсон тараққиёти, ҳаёт сифати.</p>
---

**Кириш.** Инсон хавфсизлиги икки йирик гуруҳга бўлинади: инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги ва инсоннинг ижтимоий-маънавий хавфсизлиги. Инсон иқтисодий хавфсизлигининг белгиларидан бири, унинг фаровонлиги билан белгиланади. Инсон фаровонлиги муаммолари қадимги мутафаккирлар эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Бу мавзу нафақат иқтисодчилар, балки, файласуфлар, социологлар каби ижтимоий-гуманитар фанларнинг ва уларга бағишланган асарларнинг бош мавзуси бўлиб келган. Шу билан биргаликда, иқтисодий фанда шундай узоқ муддат давомида халқ фаровонлиги масалалари олдида, жамият ва инсоннинг ривожланиш муаммолари иккинчи даражали масала бўлиб қолган. Лекин XX асрда инсонга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Инсонга бўлган ёндашиш иқтисодий ўсишнинг муайян омили сифатида тан олинди. «Инсон омили» деган атама пайдо бўлди, у иқтисодий ривожланишнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида қабул қилинди. Фақатгина XX асрнинг охирида инсон фаровонлиги ва ривожланиши муаммоларида бурилиш ясалди.

Инсоннинг иқтисодий мақсадлари тизимида унинг иқтисодий хавфсизлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Бу тизимда инсон ривожланиши – унинг хавфсизлигининг асосий мезони сифатида тан олинди.

XXI асрнинг эътиборли жиҳатларидан бири, инсонларнинг ижтимоий қарама-қаршиликларни тадқиқ қилишда бурилиш кузатила бошланди. Шу билан биргаликда иқтисодий назариянинг анъанавий ёндашувлари асосида жамиятдаги кўп муаммоларни ҳал этиш мумкин эмаслиги ҳам тан олинди.

Иқтисодий фикрнинг институционал-ижтимоий йўналишларининг кескин ривожланиши ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни тадқиқот қилишда институционал-услубий ёндашиш жараёнларнинг кенгайтирилиши рўй берди. Иқтисодий ўсишни таъминлашда инсон ролининг ўзгариши, иқтисодий фанга социология таъсирини кучайиши кузатилди. Натижада фанлар кесимида жуда кўп янги фанлар ҳам вужудга келди.

Шундай қилиб, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида инсон ролини янгича талқин қилувчи янги назариялар пайдо бўлиб, уларнинг асосий ғояси инсон-иқтисодий

ўсиш мақсади эмас деган кўрсатма чиқди. Аммо, бу неоклассик намунани бироз замонавийлаштиришга қарамай, инсон омили иқтисодий ўсишнинг эндогенли қисми деб ифодаланмоқда, инсон эса ишлаб чиқаришнинг мақсади эмас, балки унга етишиш воситаси деб талқин қилинмоқда. Бунинг қандай қаралишидан қатъи назар инсон капитали ва унинг хавфсизлиги муҳим кўрсаткичлардан бирига айланди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Корхоналарнинг иқтисодий юксалиши учун муҳим бўлган масалалардан бири, уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласидир. Иқтисодий хавфсизлик масаласи мамлакатимиз ва хорижий олимлардан Б.А.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев<sup>1</sup>, Г.С.Вечканов<sup>2</sup>, В.А.Богомолов, Н.Д.Эриашвили, Е.Н.Барикаев, Е.А.Павлов, М.А.Ельчанинов<sup>3</sup>, В.С.Гусев<sup>4</sup>, З.Н.Курбанов<sup>5</sup>, Д.И.Истамов, Ю.А.Гранаткин, М.М.Мухаммедов, Э.Н.Ходжаев<sup>6</sup>, Л.А.Михайлов<sup>7</sup>, Т.Е.Кочергина<sup>8</sup>, А.Э.Ишмухаммедов<sup>9</sup>, А.П.Градов<sup>10</sup>, А.И.Попов<sup>11</sup>, Д.К.Нарзуллаева<sup>12</sup>, А.Е.Пармонов, А.И.Игамбердиев, Ғ.Дадаев, М.Қодиров<sup>13</sup>, Е.А.Олейников раҳбарлигидаги илмий-таҳлилий тадқиқотларда<sup>14</sup> кенг ёритилган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида жамлаш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари қўлланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Жаҳон иқтисодий адабиётида миллий бойликнинг янги концепцияси пайдо бўлди. Масалан, жаҳон банки миллий бойлик жамғарилган инсоний, табиий ва ишлаб чиқарилган капитал тушунчасини олға суриб, бунинг тузувчилари тажриба баҳоларини дунёнинг 92 мамлакати бўйича ўтказди. Бу баҳолашга кўра жисмоний капиталнинг миқдори (ўртача) миллий бойликнинг 16%ига тенг, инсоний капиталнинг – 64%ига, табиий капиталнинг – 20%ига. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда инсоний капиталнинг қисми миллий бойликнинг 80%ини ташкил қилади.

Демак, миллий бойликнинг асосий ташкил қилувчиси бўлиб инсоний капитал тан олинади (инсоннинг ўзи ва унинг ривожланиш даражаси эмас, унинг тўпланишнинг дастлабки шартлари - аҳолининг ҳаёт даражаси бўлиб майдонга чиқди).

«Инсон тараққиёти» атамаси 1990 йилда БМТ Тараққиёт Дастури (UNDP) халқаро ташкилоти томонидан киритилган эди. Шу йилдан бошлаб UNDP инсон тараққиёти тўғрисида маърузаларни чоп этиб келмоқда. Маърузанинг биринчи нашрида «инсон тараққиёти индекси» номли ўлчлагич ҳам таклиф қилинган эди. UNDPнинг концепциясига кўра инсон тараққиёти – озодликни танлаш кенгайтириш жараёнидир.

Инсон тараққиётининг концепцияси асосий тўртта негизда жойлашган, улар ишлаб чиқариш самарадорлиги, тенглик, мувозанат ва имкониятларни кенгайтиришдан иборат (1-расм).

Инсон тараққиётининг концепциясидаги принципааллик томони молиявий даромаднинг ёки моддий бойликнинг ўсишида эмас, балки жамоат тараққиётининг мақса-

<sup>1</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. Профессор М.Қ.Пардаев таҳрири остида. Т.: Фан, 2005 йил. - 12 боб, Пардаев М.К, Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Рисола. Самарқанд: Зарафшон, 2008.- 47 бет.

<sup>2</sup> Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2007. – 384 с.

<sup>3</sup> Экономическая безопасность: учеб. пособие. Под ред В.А.Богомолова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. - 295 с.

<sup>4</sup> Гусев В.С. и др. Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2004. – 288 с.

<sup>5</sup> Курбанов З.Н., Махмудов А. Хуфёна иқтисодиёт ва солиқ ҳуқуқбузарлиги. Рисола. Фарғона: 2004. – 75 б.

<sup>6</sup> Истамов Д.И., Ю.А.Гранаткин, М.М.Мухаммедов, Э.Н.Ходжаев. Экономическая безопасность предприятия и защита коммерческой тайны. Самарканд. 1995.- 152 с.

<sup>7</sup> Безопасность жизнедеятельности: Учебник для вузов, 2-е изд. / Под ред. Михайлова Л.А. –СПб.: Питер, 2008.- 461 с.

<sup>8</sup> Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. Ростов н/Д: Феникс, 2007. – 445 с.

<sup>9</sup> Ишмухаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.


<sup>10</sup> Градов А.П. Национальная экономика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2007.- 240 с.

<sup>11</sup> Попов А.И. Экономическая теория: Учебник для вузов. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2006 – 544 с.

<sup>12</sup> Нарзуллаева Д.К. Учебно-методический комплекс по дисциплине «Безопасность в индустрии – сервиса». – Т.: ТГЭУ.- 434 с.

<sup>13</sup> Пармонов А.Е., Игамбердиев А., Дадаев Ғ, Қодиров М. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. (Лотин алифбосида) Т.: Иқтисод-молия, 2007.-196 б.

<sup>14</sup> Экономическая и национальная безопасность: Учебник. / Под ред. Е.А.Олейникова. – М.: Экзамен, 2005. – 768 с.




1-расм. Инсон тараққиёти концепцияси

ди ва омили сифатида инсоннинг ривожланишидир. Инсон тараққиётининг мақсади инсонлар ҳаёти янада узоқроқ, соғлом ва ижод билан тўлдирилган бўлиш учун қулай шароит яратишдан иборат. Моддий ва молиявий эзгулик орқасидан югуришда, бу оддий, лекин аҳамиятли ҳақиқатни кўпинча эсдан чиқаришади. Буларнинг барчаси маълум даражада инсоннинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин. Шу туфайли инсон хавфсизлиги масаласи ҳам инсон тараққиётининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Инсоннинг хавфсизлиги, унинг ҳаёт сифати билан ҳам бевосита боғлиқдир

Шундай қилиб, ҳаёт сифати ва инсон тараққиёти – ҳозирги замон иқтисодий фани ва кўп мамлакатларнинг ривожланиш стратегияси услубидаги рўй бераётган туб ўзгаришларнинг хулқ-атворини ифодаловчи атамалардан бирига айланганлиги бежиз эмас. Буларни инобатга олиб инсон тараққиёти тушунчасининг мазмунини очиб бериш лозим.

**Инсон тараққиёти** деганда иқтисодийни барқарор ривожланиш заруриятини, ҳозирги ва келажак авлоднинг ҳаёт сифатини юксак даражасини таъминлашига қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига оладиган жараёнлар мажмуаси тушунилади.

Инсон тараққиётини таъминлаш учун мамлакатда барқарор тараққиётни таъминлаш лозим. Ўзбекистонда мустақиллик йилларининг охириги ўн йилдан зиёд даврда иқтисодийнинг барқарор тараққиёти таъминланиб келинмоқда. Мамлакатимизда барқарор тараққиёт концепцияси мавжуд. Буни таъминлаш учун мамлакат ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 5%дан кам бўлмаслиги керак. Бу борадаги ҳолатни қуйидаги расмда кўриш мумкин (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 2000-2011 йиллар давомида ўсиш суръати динамикаси, фоизда<sup>1</sup>

Жадвалдан кўриниб турибдики, мамлакат ЯИМ 2004 йилдан буён барқарор тарзда 5%дан зиёд ўсиб келмоқда. Бу инсон тараққиёти учун ҳал қилувчи омиллардан биридир. Аммо шуни эътироф этиш керакки, бу даврда инсон тараққиёти учун глобал масштабда салбий оқибатлар ҳам мавжудлигини инобатга олиш лозимдир.

Инсон тараққиёти учун салбий бўлган оқибатлар тенденциялари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ҳали аҳолининг бир қисмида реал даромадларининг паст даражаси, даромадларда тенглик йўқлиги, кам таъминланган оилаларнинг мавжудлиги;

<sup>1</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

- дунё миқёсида жиноятчилик, наркотиклар, қуролланиш, одам савдоси, куч ишлатиш, терроризм каби иллатларнинг сақланиб келаётганлиги;

- соғлиқни сақлашни, таълим, маданият, инсон тараққиёти учун стратегик аҳамият касб этувчи соҳаларни молиялашнинг етарли даражада эканлигига қарамасдан, бу йўналишлар бўйича ташқи таҳдидларнинг мавжудлиги;

- дунёда оммавий маданият сингари ижтимоий таҳдидларнинг, ОИТС каби ижтимоий касалликларнинг юксак даражада сақланиб қолаётганлиги ва уларнинг чегара билмас даражада эканлиги ҳам инсон хавфсизлиги ва барқарор тараққиётга таҳдидлардан биридир.

Ҳаёт сифатини тўғридан-тўғри рақамлар билан ўлчаш имконияти йўқлиги сабабли, ҳар бир алоҳида инсоннинг, мамлакатнинг барча аҳолисини ҳам ҳаёт даражасини ўлчаш анча мураккаб вазифа. Ҳаёт сифатинининг кўп томонларини фақатгина шартли индикаторлар орқали баҳолаш мумкин. Шунинг учун барча назария ва унга қарашли индикаторлар таркиби мутлақ ва тўлалилича бўла олмайдилар.

**Хулоса ва таклифлар.** Шунини кўрсатиб ўтиш керакки, охириги йилларда мамлакатимизда жиноятчилик, коррупция каби салбий ҳолатларга нисбатан қаттиқ кураш олиб борилмоқда. Аммо уларнинг бутунлай барҳам топмаганлиги ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг жадаллигига маълум даражада салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шу туфайли самарали давлат бошқаруви ва жамиятни тартибга солиш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида мамлакат ва алоҳида камроқ зиён етказган ҳолда ислохотларни амалга оширишни таъминлайди.

Жамиятни тартибга солишни таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлиб, ҳаёт сифати ва инсон ривожланишнинг мониторинги хизмат қилади. Мониторинг куйидаги вазифаларни амалга оширишни таъминлайди:

- инсон ҳаёти сифати ва тараққиётидаги салбий йўналишларни ўз вақтида аниқлашни таъминловчи ва олдиндан чорасини кўриш тизимини яратиш;
- қабул қилинган қарорларни баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини текшириш ёки қабул қилинаётган қарорларнинг тахминий оқибатларини баҳолаш.

Мониторингнинг асосий мақсади, ҳар бир давлат сиёсатидаги инсон қизиқишлари устуворлигини кучайтириш имкониятини беради. Бунда инсон ҳаётининг сифати ва тараққиёти биринчи ўринда туради, чунки бу узоқ муддатга мўлжалланган ҳаракат дастурини ўз ичига олади ва уни баҳолашда индикаторларнинг тенденциясидаги ўзгаришлар инobatга олинади.

Шундай қилиб, жамиятнинг қарорлар қабул қилишдаги таъсир кучи ҳаёт сифатини оширишда, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий хавфсизликларини таъминлашда зарур омил бўла олади. Бу таъсирнинг муҳим омили бўлиб, жаҳон миқёсида инсон ҳаёти сифати ва тараққиёти мониторинги бўлиб қолади. Инсон ҳаёт сифати ва тараққиёти эса – давлат бошқариши самарадорлигининг муҳим жиҳатларидан бирини ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, инсон тараққиёти, унинг хавфсизлиги, яшаш сифати каби жиҳатлар бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар экан.

З.Аминов	Z.Aminov
<p><b>Понятие безопасности человека и ее виды</b>  <b>Аннотация:</b> В статье описывается понятие безопасности человека и ее виды, особенности понятия человеческого развития и тенденции негативных последствий для человеческого развития.  <b>Ключевые слова:</b> безопасность человека, экономическая безопасность человека, социальная и духовная безопасность человека, развитие человека, качество жизни.</p>	<p><b>The concept of human security and its types</b>  <b>Abstract:</b> The article describes the concept of human security and its types, especially the concept of human development and the trends of negative consequences for human development.  <b>Keywords:</b> Human security, human economic security, human social and spiritual security, human development, quality of life.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023